УШБУ СОНДА:
2 ЮТУҚЛАР САЛМОҒИ
3 АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ
XXI АСР НАФАСИ — воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
4 БОҚИЙЛИК СИРИ

**MEZON:**

**Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига сайловдан камида ўн кун олдин топширилади.**

**«ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 14-МОДДА**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 17 (472)
2006 йил
2 май
сешанба

Сотувда эркин нархда

# ФАХР ВА ИФТИХОР ШАҲРИ

**Тарихи бир неча минг йилга бориб боғланадиган, жаҳон тамаддунида ўзига хос ўринга эга Қарши шаҳри янги аср бошида яна навқирон қиёфа касб этди. 2006 йил шаҳар тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган бўлди. Икки йил муқаддам Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ҳақида ҳукуматимиз қарори қабул қилинган эди. 2005 йил 26 июлда Президентимизнинг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Айни кунларда Қарши шаҳри улкан қурилиш майдонини эслатади. Бу масканда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари туфайли жуда қисқа фурсатда шаҳар қиёфаси тубдан ўзгарди.**



Шарқ шаҳарсозлик анъаналари асосида қад ростлаётган маъмурий, маиший бинолар, хизмат кўрсатиш шахобчалари шаҳар ҳуснига ҳусн қўшаётир. Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида олиб борилаётган кенг кўламли ободонлаштириш ишлари, боғнинг Мустақиллик майдони билан туташ қисмида барпо этилган 2800 ўринли амфитеатр, жаҳон андозаларига мос тарзда қурилган спорт иншоотлари, коллежлар, аэропорт, марказий деҳқон бозори, болалар боғи, хуллас, янги объектлар шаҳарга замонавий чирой ва шукуҳ бағишлаб турибди.

Шу билан бирга, халқимиз маънавиятининг ажралмас бўлаги ҳисобланмиш қадимий меъморий обидаларни асраб-авайлаш борасида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилди. XIV асрда бунёд этилган Абу Убайда Ибн Жарроҳ зиёратгоҳи тарихи Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ. Мааррихларнинг маълумотига кўра, Соҳибқирон ўз юришларидан бирида Шом вилоятининг Урдун туманига йўли тушади. Бу ерда пайғамбаримизнинг улуғ саҳобаларидан бўлган Абу Убайданинг хоки поклари қўйилган мақбарани зиёрат қилади. Мақбаранинг қаровсизлигидан ташвишланган Соҳибқирон улуғ зотнинг қабрини Қаршига кўчиришга ва у ерда мақбара қуришга амр этади. Шундан буён бу тарихий обида қаршиликларнинг қадамжосига айланган. Юбилей муносабати билан зиёратгоҳ атрофида улкан ободонлаштириш ишлари амалга оширилди: мударрисхона, минора ва ҳовуз таъмирланди. Бу ишларни Касби туманидаги тарихий обиданарни таъмирлашга ихтисослашган «Қурувчи» ишлаб чиқариш ширкатининг моҳир усталари маромига етказиб уддалашди. Қарши шаҳридаги яна бир тарихий обида — Одина масжидининг бугунги қиёфасини кўрган киши истиқлол шарофати туфайли амалга оширилаётган савоб амалларнинг улуғворлигига яна бир бор иймон келтириши тайин. Қадимшуносларнинг айтишича, мазкур обида ҳам Соҳибқирон Амир Темур томонидан 1385-1386 йилларда бунёд этилган экан. Шўро замонида бу маҳобатли обиданинг баланд миноралари, меҳроби ва мовий гумбазлари бузиб ташланганди. Айни пайтда Одина масжиди ва бу ердаги қадимий сардоба қайта таъмирланмоқда.

Яқин кунларда Қаршида **«Умид ниҳоллари-2006»** республика спорт мусобақалари бўлиб ўтади. Бу мусобақалар янгидан қурилган иншоотларда — спорт заллари, сув ҳавзалари, ўйингоҳларда ўтказилади.

Шаҳарнинг жанубий қисмида қад ростлаган Олимпия заҳиралари коллежи, Марказий ўйингоҳ жуда қисқа фурсатда бунёд этилди. Умумий майдони 17 гектарни ташкил этган ушбу спорт мажмуасида ўқув корпуслари, ётоқхона, кўплаб спорт ва тренажёр заллари, ўйин майдонлари, ёпиқ сув ҳавзаси, ўндан ортиқ спорт турлари билан шуғулланиш мумкин бўлган атлетика мажмуи мавжуд.

— **Коллежимиз 600 ўқувчига мўлжалланган,** — дейди Олимпия заҳиралари коллежи директори Сайфулло Расулов. — **Бу ерда нафақат спорт машғулотлари, балки йирик мусобақаларни ҳам ўтказиш имконияти мавжуд. Насиб этса, келгусида коллежимиздан олимпиада ўйинлари ғолиблари етишиб чиқади.**

Коллежнинг шундоқ ёнида 20 минг нафар томошабинга мўлжалланган, умумий майдони 13,5 гектар бўлган замонавий стадион қуриб битказилди. Мазкур ўйингоҳ ташқи кўриниши жиҳатдан ҳам, қурилиши жиҳатидан ҳам талай афзалликларга эга. Стадионда автомобилларнинг тўхташ жойи, иккита машғулот майдони, бир неча хизмат кўрсатиш шахобчалари мавжуд. **«Умид ниҳоллари-2006»** мусобақаларининг асосий тантаналари шу ерда ўтказилади.

Юбилейга тайёргарлик тадбирлари дастурига кўра, Қарши шаҳридаги ички автомобил ҳамда транзит йўллар кенгайтирилаяпти. Ўзбекистон, Насаф, Амир Темур, Жайҳун, Мустақиллик кўчалари ва кўприклар кенгайтирилиб, қайта таъмирланди. Бу кўчалардан юрсангиз, баҳри дилингиз очилади. Тўй тараддуди муносабати билан ўнлаб километр йўллар кенгайтирилди, асфальт ётқизилиб, текисланди.

Дарҳақиқат, йўл қуриш, кўприк солиш энг савобли юмушлардан саналади. Зеро, йўллар манзилларни манзилларга, дилларни дилларга туташтиради. Равон, икки томони гулу гулзор кўчаларда юриб ҳоримайди киши.

Юбилей дастурида аҳоли турмуш шароитини янада яхшилашга ҳам катта эътибор қаратилган. Йил охиригача 16,4 километр масофага сув қувурлари тортилади. Бунинг учун «Осиё тараққиёт банки» кредити, маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан 4100 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган. Шунингдек, табиий газ, электр энергияси таъминоти ҳам янада яхшиланади, 500 рақамли янги телефон станцияси ишга тушади.

Қарши шаҳрида қисқа муддатда амалга оширилган бунёдкорлик ишларининг кўлами ниҳоятда кенг. Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар бугун юртимизда олиб борилаётган яратувчилик ва ободончиликнинг яққол намунаси бўла олади.

**Ойдин АНОРОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

**Istiqlol va imkoniyat**

*Мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бу эса тадбиркорлик субъектларига янада кенгроқ имтиёз ва шароит яратиб беришни тақозо этади.*

# ХУСУСИЙ МУЛК РИВОЖИ

## У ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИДИР

Маълумки, ўтган йили тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳа вакиллари учун кенг имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш мақсадида Президентимизнинг 5 та Фармони ва 3 та қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасидаги 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисда тадбиркорлик субъектларига вақтида яратилган имтиёз ва кафолатлар республиканинг 2005 йилдаги иқтисодий кўрсаткичларини оширишда ўзига хос аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, 2006 йилда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини, барқарор ва мутаносиб макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлашда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб, бир қатор устувор вазифаларни белгилаб берди.

Улардан бири хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлаш масаласидир.

Шу йилнинг бошида **«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Президент Фармонининг қабул қилиниши бу борада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу Фармонга асосан иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, узоқ қишлоқ жойлардаги аҳолини мустақил иш билан таъминлаш, уларга оила бюджети даромадларини ошириш каби муаммоларни ҳал этишда халқимизнинг асрлар синовидан ўтган яратувчанлик қобилияти ҳамда ишчанлик салоҳияти инобатга олинди. Шунингдек, товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначилик буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинди.

*(Давоми иккинчи бетда)*

**Fuqarolik jamiyati sari**

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг-кўламли ислоҳотлар туфайли ижтимоий-сиёсий ҳаётда туб ўзгаришлар бўй кўрсатаётир. Зеро, танлаган йўлимиз, биз барпо этаётган жамият жаҳон андозаларига, халқаро меъёрларга уйғун бўлган ҳолда, халқимизнинг асрий анъаналарига асосланади. Бу ўринда биз давлат ва жамият қурилишида маҳалланинг ўрни ва ижтимоий аҳамиятини ҳам назарда тутаяпмиз.**

# ДЕМОКРАТИЯНИНГ ШАРҚОНА МАКТАБИ

Президентимиз Ислом Каримов маҳалланинг жамият тараққиётдаги ўзига хос ўрнини шундай таърифлаганди: **«Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимиз турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир, бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун таянч ва тасирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим».**

Маълумки, Конституциямизга биноан, Ўзбекистон маъмурий-ҳудудий бўлинишининг энг қуйи поғонасида давлат идоралари ўрнига фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари ташкил этилди. Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда маҳаллий ҳокимият ўзини-ўзи бошқариш идоралари шаклида амалга оширилмоқда. Мустақиллик шарофати билан маҳаллалар қўлга киритган ҳуқуқий имкониятлар **«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари тўғрисида»** қонун (1993 йил сентябрь) орқали мустаҳкамланади. Янги таҳрирдаги **«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари тўғрисида»**ги қонун (1999 йил 14 апрел) қабул қилинди.

*(Давоми учинчи бетда)*

**Ogohlik zarurati**

# АХБОРОТ ТАҲДИДИ

## У нималарда намоён бўлади?

*XX асрнинг ўрталаридан бошлаб айрим ривожланган давлатлар, хусусан, АҚШ бошқа мамлакатларга таъсир кўрсатишда ноҳукумат нотижорат ва халқаро ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланган. Бу воситалар орқали аҳоли ва айрим шахсларнинг онгига таъсир қилинган.*

Махсус марказлар томонидан ишлаб чиқилган ахборот-психологик таҳдидлар инсон табиатининг нозик хусусиятлари ва жамият тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари ўта устамонлик билан қамраб олинган.

**"Психологик уруш", "ахборот уруши", "психологик операциялар", "ахборот-психологик кураш олиб бориш", "психологик ҳимоя"** сингари атамалар ўзида ахборот-психологик таъсир кўрсатишнинг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси томонидан XX асрнинг 50-60-йилларида «одамларни қайта дастурлаш», "онгни ювиш" борасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган. Ижтимоий онгга таъсир этувчи самарали усулларни ўйлаб топиш ва улар орқали одамларни бошқариш мақсадида бу соҳага катта маблағ сарфланган. Шундай лойиҳалар устида ишлаган олимлардан бири доктор Ивен Камерон 1946 йил чоп этилган **"Ижтимоий психиатриянинг чегаралари"** асарида ижтимоий психиатрия фуқаролар устидан назорат ўрнатишга хизмат қиладиган, уларда ижтимоий фикр, эътиқод ва ҳаёт тарзини шакллантирувчи усулларни ишлаб чиқишга ёрдамлашиши зарурлигини таъкидлаган.

Психология ва коммуникация соҳасидаги ютуқлар ахборот-психологик уруш олиб боришга кенг имкониятлар яратди.

А.Караяни **"Замонавий урушларда ахборот-психологик қаршилик кўрсатиш"** сарлавҳали мақоласида АҚШда ҳозирги пайтда FM 100-6 "Ахборот операциялари", FM 33-1 "Психологик операциялар" сингари дала дастурларидан фойдаланилаётгани ва ахборот урушини олиб бориш соҳасида мутахассислар тайёрланаётгани ҳақидаги маълумотларни келтирган.

Америкалик мутахассисларнинг таъкидлашича, ахборот уруши олиб боришнинг алоҳида концепиялари АҚШ томонидан узоқ вақт мобайнида қўлланилиб келинмоқда. Масалан, собиқ Варшава шартномасига аъзо давлатларга ана шундай ахборот-психологик тадбирлар қўлланилган. АҚШ Форс кўрфази (1990-91 йиллар), Гаити (1994 йил), Босния ва Герцеговинадаги (1996 йил) ҳарбий амалиётлар даврида ҳам кенг кўламли ахборот ва психологик тадбирларни амалга оширган. Ўз мақсадини кўзлаб турли ёлғон маълумотлар тарқатиш бу операцияларда оддий ҳол саналади.

А.Манойло ва А.Петренко сингари таҳлилчиларнинг ёзишича, АҚШнинг Ироқдаги операциялари даврида ҳам турли-туман ахборот қуролларидан самарали фойдаланилган. Улар орқали оммавий ва индивидуал онгга таъсир кўрсатилган. Масалан, ўша пайтда зотилжам касаллигининг янги тури тўғрисида миш-мишлар тарқатилган. Бу ахборот-психологик таъсир бутунлай ижтимоий фикрга эмас, балки ҳар бир шахсга йўналтирилган бўлиб, улар Ироқда бўлаётган воқеаларни бироз унутишга хизмат қилган. Бошқача айтганда, оғир касаллик ҳақидаги миш-мишлар орқали одамларнинг ижтимоий фикри чалғитилган.

А.Караянининг юқорида номи тилга олинган мақоласида ёзилишича, АҚШ Қуролли кучларининг "Ягона истиқбол-2010" ҳужжатида XXI асрда қуролли курашнинг асосий хусусияти ахборот соҳасидаги курашга эътибор бериш ва ҳар қандай рақиб устидан ахборот ҳукмронлигига эришиш ҳисобланиши қайд этилган. Бундай психологик операциялар АҚШ ва унинг шериклари бўлган мамлакатлар учун маъқул бўлган йўналишда алоҳида раҳбарлар, ташкилотлар, миллий ва ижтимоий гуруҳлар ҳамда хорижий давлатлардаги айрим шахсларнинг ҳиссий ҳолати, ҳаракатлари, қарорлар қабул қилиши ва ўзини тутишига таъсир қилувчи махсус ишлаб чиқилган ахборотни тарқатиш чора-тадбирларини қамраб олади.

*(Давоми учинчи бетда)*

*Ҳуқуқий ислоҳотларни жадаллаштириш, одамларнинг маънавияти, тафаккурини шакллантириш, ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда ОАВнинг ўрни беқиёс. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари воқеликни акс эттириш борасида фақатгина ёритувчи ва ифодаловчи бўлиб қолмасдан, одамлар манфаатининг ҳимоячиси бўлиши, журналистлар эса ўта оғир, кучли иродани талаб қиладиган жабҳаларда том маънода фидойилик кўрсатиши лозимлигини алоҳида таъкидлаган.*

# ҲУҚУҚ ВА БУРЧ МУШТАРАКЛИГИ

## У янги журнал фаолиятининг асосини ташкил этади

Бугун демократик ислоҳотлар, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасидаги туб ўзгаришлардан аҳолининг мунтазам равишда хабардор бўлишини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий тафаккури ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби ҳаётий вазифалар ОАВ фаолиятида янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сўзимиз бошида таъкидланганидек, бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган бу долзарб масалаларни ҳал этишда миллий матбуот, шу жумладан, даврий ҳуқуқий нашрларнинг ўзига хос аҳамиятини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ўтган хафтада Адлия вазирлигида тақдимот маросими бўлиб ўтган янги ижтимоий-ҳуқуқий журнал — **«Huquq va burch»** ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 18 октябрдаги **«Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қароридан келиб чиқиб дунё юзини кўрган мазкур журнал ўз олдига жамиятни демократлаштириш ва янгилашнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги, сиёсий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган материалларни бериб боришни мақсад қилиб қўйган.

*(Давоми учинчи бетда)*

**Taqdimot**

# НОХОЛИСЛИК

## қонун кўмагида бартараф этилди

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар — ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликларини ташкил этилиши ишлаб чиқариш жадал ўсиб ривожланишига мустаҳкам асос яратмоқда. Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар туфайли қонунлар билан тартибга солинадиган ер муносабатларида янгича замонавий ёндошувлар қарор топмоқда. Шу маънода Президентимизнинг **«2006 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги ва **«Мева-сабзавотчилик, узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг **«2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори аграр соҳадаги ислоҳотларни янада юқори босқичга кўтарди. Масалан, жорий йилнинг ўзида биргина Наманган вилоятида 44 та кам рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари ўрнида 2000 га яқин фермер хўжаликлари ташкил этилди ва 36 минг гектардан зиёд ер уларнинг ихтиёрига берилди. Мева-сабзавотчилик ва узумчилик йўналишидаги 29 та ширкат хўжаликлари ўрнида 6000 дан зиёд боғдорчиликка ва деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларга 41 минг гектар ер ажратиб берилди. Айни пайтда вилоятдаги мавжуд кам рентабелли ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш ишларининг дастлабки босқичи ниҳоясига етди.

Лекин бу жараён ҳамма жойда ҳам бир текисда, қонун доирасида ўтди, деб бўлмайди. Айрим туманларда фермерларга ер ажратиш, уларни танлашда бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига ҳам йўл қўйилди. Жумладан, баъзи мансабдор шахслар томонидан мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, ер ажратишда таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик ҳолатларига йўл қўйилди.

Аниқланган қонунбузилишларни бартараф қилиш юзасидан вилоят адлия бошқармаси томонидан мутасадди идораларга 14 та тақдимнома, 100 дан ортиқ даъво аризалари киритилди. 43 нафар мансабдор шахс қонунни бузганлиги учун огоҳлантирилди. 3 та ҳолатда танловларда йўл қўйилган қўпол қонунбузилишлар юзасидан жиноий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш учун прокуратура идораларига таклиф киритилди. Жумладан, Косонсой туманидаги Чиндовул қишлоғида яшовчи М.Душаев ариза билан мурожаат қилиб, тумандаги собиқ Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалигида оила аъзолари билан 1999 йилдан буён 12 гектар ерда оилавий пудрат асосида меҳнат қилиб келаётгани, ҳар йили пахта, ғалла етиштириш режаларини ортиғи билан бажаргани, бироқ тендерда ушбу ер бошқа талабгорга берилганини баён қилган. Текширишда Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалигининг 22-лойиҳаси бўйича танлов ғолиби деб топилган «Ихлос» фермер хўжалиги раҳбари А.Олимовга Чиндовул ҚФЙ томонидан берилган маълумотнома сохта эканлиги, сохта ҳужжат асосида унга ошиқча 9 балл берилиб, тендер ғолиби, деб топилгани маълум бўлди.

**Tahlil ko'zgusi**

*(Давоми иккинчи бетда)*

# НОХОЛИСЛИК

## қонун кўмагида бартараф этилди

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Мазкур қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан ширкат хўжалигини тугатиш комиссияси раиси У.Убайдуллев номига тақдимнома киритилди. Шунингдек, А.Олимов ва унга тегишли ҳужжатларни сохталаштирган шахсларнинг жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш учун вилоят прокуратурасига мурожаат қилинди. Натижада 22-лойиҳа бўйича қайта танлов ўтказилиб, адолат қарор топди.

Таъкидлаш лозимки, туманларда ўтказилган тендер танловларида адлия идоралари ходимлари ҳам бевосита иштирок этишди. Танлов пайтида ва унгача бўлган даврда комиссияларга тақдим қилинган ҳужжатлар атрофлича ўрганилди. Афсуски, бу борада ҳам айрим камчилик ва қонунбузилишлар аниқланиб, уларнинг олди олинди. Масалан, Янгиқўрғон туманидаги Ж. Охунов номидаги ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясига тақдим этилган ҳужжатлар ўрганилганда, 30-лойиҳа талабгори Акрам Тошмирзаевнинг ҳужжатлари қалбаки эканлиги маълум бўлди. Унга Тошкент халқ хўжалиги институти томонидан 1989 йил 14 майда берилган МТ 310864-сонли диплом сохта бўлиб чиқди. Устаси фаранг А.Тошмирзаев сохта дипломни қўлга киритганига қаноат қилмай, меҳнат дафтарчасига **«26.12.2000 йил 1-сонли буйруқ билан «Бахтиёр» фермер хўжалигига бошлиқ этиб тайинланди»**, деган сохта ёзувни ҳам ўзбошимчалик билан ёзиб олган экан.

Тендерда иштирок этиб, ер олиш учун ҳужжатларини сохталаштирган А.Тошмирзаевнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига вақтида барҳам берилди. У тендерда иштирок этишдан четлаштирилиб, жавобгарлик масаласини ҳал этиш учун вилоят прокуратурасига тақдимнома киритилди.

Шунингдек, текширувлар жараёнида ширкат хўжаликларини қайта ташкил этиш жараёнида уларнинг ҳисобида бўлган мол-мулк ва моддий бойликларни талон-тарож қилиш ҳолатлари ҳам аниқланди. Масалан, Наманган туманидаги «Самарқанд» ширкат хўжалигининг мансабдорлари томонидан хўжалик ҳисобидаги 17,2 миллион сўмлик узумни қайта ишлаш цехи ускуналари ҳеч қандай ҳужжатсиз Тўрақўрғон туманидаги «Соҳилобод» ширкат хўжалигига бериб юборилган. «Ҳотамтой» раҳбарлар шу йўл билан ширкат хўжалигининг жуда кўп миқдордаги мол-мулкини талон-тарож қилишган. Уларнинг бу ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари эътиборидан четда қолгани йўқ. Ҳозир айбдорларга нисбатан жиноят иши иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий микроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»**ги қарорига мувофиқ давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар йилнинг 1 январь ҳолатига кўра асосий фондлар қиймати қайта баҳоланишдан ўтказилиши лозим. Ширкат хўжаликлари балансида бўлган кўпйиллик дарахтлар, мевали боғлар ҳам шу ширкат хўжаликларининг асосий воситалари ҳисобланади. Шундай экан, улар ҳам ҳар йили қайта баҳоланишдан ўтиши керак. Бироқ айрим хўжаликларда юқоридаги қарордан келиб чиқиб қабул қилинган Низом талабларининг бузилишига йўл қўйилган.

Чортоқ туманидаги Ҳамид Олимжон номидаги ширкат хўжалигида 39 нафар фуқарога 40,6 гектар боғ ва токзорлар қайта баҳоланмай, арзон нархларда сотиб юборилган. Бунинг оқибатида собиқ ширкат хўжалигининг мансабдорлари томонидан хўжаликка 205 миллион сўмлик моддий зарар етказилган.

Бундан ташқари, хўжалик раҳбарлари томонидан боғларни хусусийлаштиришда таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйилган. Ноёб йўл билан 18 гектардан зиёд боғ ва токзорлар ширкат хўжалиги аъзоси бўлмаган, ҳатто ширкат ҳудудида яшамайдиган фуқароларга ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали хусусийлаштириб берилган. Ажабланарли томони шундаки, бу ҳақда туман ҳокимининг қарори ҳам чиқарилган.

Бундай бош-бошдоқликка Янгиқўрғон туманида ҳам йўл қўйилган. Тумандаги «Заркент», «Искавот», «Туркистон» Йўлдош Охунбобоев номли ва «Нанай» ширкат хўжаликларида 19 гектардан 140 гектаргача бўлган боғ ва узумзорлар қайта баҳоланмасдан арзон нархларда сотиб юборилгани натижасида хўжаликларга кўп миқдорда моддий зарар етказилган. Хусусийлаштириш жараёнида айрим туман раҳбарлари ва хўжаликларнинг мансабдор шахслари адолат тамойилларига риоя қилиш ўрнига кўпроқ ўз манфаатларини ўйлаб таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик асосида иш кўришган. Масалан, туман хусусийлаштириш бўлими бошлиғи О. Бойчаев укаси А.Бойчаев номига «Нанай» ширкат хўжалиги ҳудудидаги 1,5 гектар олмазор боғни 600 минг сўмга, яъни жуда арзон нархда хусусийлаштириб берган.

Юқорида қайд этилган ва бошқа бир қатор қонунбузилишлар юзасидан тегишли қонуний чоралар кўрилмоқда, албатта. Лекин бундай нохуш ҳолатларнинг қайта такрорланмаслиги учун жазо муқаррарлигини таъминлашнинг ўзигина кифоя эмас. Бу энг аввало, раҳбар ходимлар ва мутасаддиларнинг ўзлари хизмат бурчларини оғишмай бажаришига, давлат, жамият ва фуқаролар, шунингдек, қонун олдидаги масъулиятини нечоғлик ҳис қилишларига ҳам бевосита боғлиқдир.

**Ж.ЭРГАШЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

Tahlil ko`zgusi

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

# САЙЛАШ ВА САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИ

***— Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари нималардан иборат?***

— Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ваколатларига эга.

***— Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини ўз ваколатларини қандай ҳуқуқлар доирасида амалга оширади?***

— Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раисларини ва аъзоларини сайлайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

фуқаролар йиғининг тафтиш комиссияси ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий комиссияни сайлайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

белгиланган тартибда раиснинг (оқсоқолнинг) маслаҳатчилари ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг миқдор таркибини белгилайди, раиснинг (оқсоқолнинг) тақдимномасига кўра фуқаролар йиғининг масъул котибини тайинлайди;

кенгаш, тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини, ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тавсия этади;

халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг тегишли вакиллик органларига таклифлар киритади;

тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар беради;

йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади. Фуқаролар йиғинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар бу баённомаларнинг ҳисобини юритади, фуқароларнинг мурожаатлари бажарилишини назорат қилади;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларини шакллантиради, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади;

ободонлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашга ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитариятозалаш ишлари ўтказиш учун тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

ўз ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;

пул маблағлари сарфланиши устидан назоратни ташкил этади;

атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади;

гузарлар барпо этишга доир масалаларни кўриб чиқади;

маъмурий-ҳудудий бирликлар ва маҳаллаларнинг чегараларини ўзгартириш, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига ўз вакилини юборади;

уй-жой мулкдорларининг ширкатларига мажбурий тўловларни йиғиш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш юзасидан тадбирлар ўтказишда, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уй-жойлар ва ҳовлиларни намунали сақлаш юзасидан ихтиёрий ишларни ташкил этишда кўмаклашади;

Шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ келадиган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

***— Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг вазифалари ҳам борми?***

— Албатта, шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва кўп болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланилишини таъминлайди.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинларига кўмаклашади, марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан қандай фойдаланилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади.

***— Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатларига нималар киради?***

— Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ваколатига эга.

***— Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини ўз ваколатларини амалга оширишда қандай ҳуқуқлардан фойдаланади?***

— Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини ўз ваколатларини амалга оширишда фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раисларини ва аъзоларини сайлайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

раиснинг (оқсоқолнинг) маслаҳатчилари ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг миқдор таркибини белгилайди, раиснинг (оқсоқолнинг) тақдимномасига мувофиқ фуқаролар йиғининг масъул котибини тайинлайди;

қонунларга риоя этилиши ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ва ўз қарорлари, шунингдек, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғининг қарорлари ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

пул маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил этади, фуқаролар йиғининг тафтиш комиссиясини сайлайди, комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, йилнинг ҳар чорагида унинг ҳисоботларини эшитади;

шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ келадиган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Рукн учун масъул ҳуқуқшунос А.РАҲМОНОВ**

Istiqlol va imkoniyat

# ХУСУСИЙ МУЛК РИВОЖИ

## У ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИДИР

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Корхоналарга меҳнат шартномаси асосида, касаначиларга корхоналар буюртмаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шарти билан бериш, жумладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш кафолатланди.

Корхона томонидан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлар улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этилди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилиб, бу йўналишдаги ислоҳот иқтисодий ўзгаришларнинг энг муҳим бўғини, деб белгиланди.

Аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари қишлоқда янги ҳуқуқий муносабатларни жорий этиш, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, тадбиркорликни, фермер ва шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш имконини яратди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқда бозор талабларига мос келадиган янги хўжалик тизимлари шаклланди, хусусий сектор кенг ривожланди, ер майдонларини фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун бериш, шахсий томорқа ерларини кенгайтириш, ер майдонларини мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланиш амалиёти жорий этилди.

Давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатиб келинаётгани шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллари кўпайишига, ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имконият яратди.

**«Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Президент қарори

3741-сонли Фармони асосида **«Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида»**ги 2086-сонли Президент Фармонига қўшимчалар киритилиб, унга биноан тугатилаётган ширкатлар негизида барпо этиладиган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб, ягона ер солиғи тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинади. Солиқ тўлашдан бўшайдиган маблағлар мақсадли тартибда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга, боғ ва узумзорлар барпо этиш ҳамда уларни кенгайтиришга йўналтирилади.

Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги **«Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдириш кўзда тутилган.

Унда хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, жумладан, бу борадаги тўсиқларни бартараф этиш ва шу асосда хизматлар ҳажмини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ҳамда 2010 йилгача уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш ва яна бошқа бир қатор йўналишлар хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди. Унда бир қатор имтиёз ва кафолатлар ҳам ўз аксини топган. Хусусан, молия, банк, маиший ва бошқа хизматлар соҳасида жами 11 турдаги хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилади.

Албатта, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни тўлиқ бажариш ҳар бир ҳокимлик, давлат бошқаруви ва назорат қилувчи идораларга катта масъулият юклаш билан бир қаторда, бу соҳа вакилларидан юқори билим ва тажрибага асосланган омилкорликни талаб этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчига айланаётган тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши муҳим стратегик аҳамиятга эга. Бу эса тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

**Бекзот МАВЛОНОВ,**
**Нўъмон МУҲАММАДИЕВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходимлари**

**Ўтган қишлоқ хўжалиги йилида Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимизда йиллик пахта тайёрлаш давлат режасини карвонбоши сифатида уддалади. Фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилгани, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланилгани бу ютуқнинг асосий омили бўлди.**

**Бу муваффақият пахтани қайта ишловчи саноат корхоналарига ҳам кенг имкониятлар яратди. Буни Беруний туманидаги «Ёғтар» акциядорлик жамияти фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.**

Faoliyat

# ЮТУҚЛАР САЛМОҒИ

## фидокорона меҳнат туфайли ортмоқда

Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхонада маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб боряпти. Масалан, 2004 йилнинг декабр ойида корхонада тайёрланган ёғ миқдори 466 тоннани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу ойида 507 тоннага тенг бўлди. Умуман олганда, 2005 йил давомида 38 минг 851 тонна чигит қайта ишланиб, юқори сифатли ёғ, кунжара, шелуха тайёрланди. Меҳнат унумдорлиги ҳар бир ишчига режадаги 8 миллион 306 минг сўм ўрнига 10 миллион 476 минг сўмга тенг бўлди. Йил мобайнида ишловчиларга 8 миллион сўм миқдорида ўн учинчи маош берилди, 2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Корхонада рўй бераётган ижобий ўзгаришлар жорий йилнинг биринчи чораги якунлари мисолида янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Уч ой давомида бу ерда 9718 тонна чигит қайта ишланиб, мўл-кўл қора ёғ, оқартирилган ёғ, қадоқланган ёғ, кунжара ва шелуха тайёрланди. Муҳими, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ўтган йилнинг биринчи чорагида тайёрланган маҳсулот миқдорига нисбатан сезиларли даражада яхшиланди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 79 миллион 429 минг сўмга етди. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши тушумлари йил якунлари бўйича 78 минг 347 сўмга тенг келган бўлса, янги йилнинг биринчи чорагида бу миқдор 98 минг 244 сўмдан ошди. Акциядорларга дивидент сифатида 45 миллион 376 минг сўм ажратилди ва битта акцияга 3241 сўм 60 тийиндан дивидент берилди.

Эҳтимол, бу кўрсаткичлар баъзиларга қуруқ рақамбозлик бўлиб туюлар. Аммо бу рақамлар замирида иқтисодий юксалиш, фаровон турмуш ва моддий манфаатдорлик учун қилинган фидокорона меҳнат ётганлигини унутмаслик лозим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, интилувчанлик, шахсий манфаатдорлик бўлмаган жойда иш ривожи ҳам бўлмайди.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича, айни паллада акциядорлик жамиятида 322 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиляпти. Уларга ҳар жиҳатдан қулай шарт-шароит яратиб берилган. Шуниси эътиборлики, жамоада ҳеч бир ишчи раҳбарият назаридан четда қолган эмас.

Янги йилнинг **«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»** деб номланиши жамоа аҳлини янада руҳлантириб юборди. Корхона меҳнаткашларининг азму қарори билан бу йил ҳомийлик йўналишида 41,3 миллион сўмлик иш бажарилади. Жамоа ҳозирнинг ўзида бу соҳада анчагина ибратли ишларни амалга ошириб улгурди. Масалан, корхона томонидан болалар спортини ривожлантириш ишлари учун 30 миллион сўм, Наврўз байрами тантаналарига атаб 936 минг сўм, туман марказий касалхонасига 700 минг сўм, туман «Саломатлик маркази»га 426 минг сўм, «Маҳалла» хайрия жамғармасига 370 минг сўм ва яна кўплаб тадбирлар учун тегишли миқдордаги маблағ ажратилди. Буларга қўшимча равишда ишловчиларга моддий ёрдам сифатида 4 миллион 200 минг сўм, уларнинг шифо масканларида даволанишлари учун эса 4 миллион 300 минг сўм пул ажратиб берилди. Кам таъминланган оилаларга, қариялар ва ногиронларга, бева-бечораларга мурувват кўрсатиш бўйича махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ёғсиз қозон қайнамайди. Ушбу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, акциядорлик жамияти аъзоларининг мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтириш, халқимиз турмушини фаровонлаштириш йўлидаги фидокорона меҳнатлари тахсинга лойиқ. Корхона аъзолари қўлга киритаётган ютуқлар қўлами тобора ортиб бормоқда. Бугун корхонанинг меҳнаткашлари ҳозирги мураккаб давр, ҳаётнинг ўзи ҳар қайсимиздан белни янада маҳкамроқ боғлаб, мана шу муқаддас юрт учун, унинг бугуни ва эртанги тараққиёти учун сидқидилдан меҳнат қилишни, ёниб яшашни талаб этаётганини қалбдан ҳис этиб меҳнат қилишмоқда.

**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

Shartnoma qonunchiligi

***Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома барча мулк шаклидаги корхоналар, тадбиркорлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозор иқтисодиёти тамойилларини қарор топтириш ҳамкорларнинг шартнома интизомига қай даражада риоя этишига боғлиқ.***

# ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИ

## уни бажармаслик омонатга хиёнат билан тенгдир

Ўтган давр мобайнида шартнома интизомини мустаҳкамлаш, уни бузганлиги учун мулкий жавобгарликни ошириш, шартноманинг бажарилиши учун тарафлар масъулиятини кучайтиришга қаратилган бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинди. Бироқ шунга қарамай, шартномалар баъзи ҳолларда номигагина тузилаётгани, уни тузиш ва унга амал қилишда хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани, шартнома интизомига риоя этилмаётгани аён бўлмоқда.

«Хатирчи пахта тозалаш» ОАЖ ҳамда «Суннат-Бегали-Дилсунбек» фермер хўжалиги ўртасида 2005 йилнинг 15 апрелида пахта хом ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича контрактация шартномаси тузилган эди. Шартноманинг 4,2-бандида хўжалик томонидан уруғликнинг унувчанлиги биринчи навга мувофиқ бўлганда, харид нархига устама тўлаш белгиланган. Бироқ шартномада устама миқдори кўрсатилмаган. Бундан ташқари, етказиб берилган уруғлик пахта ҳақини, тайёрловчи томонидан уруғлик тозаланиб саралангандан кейин тўлаш, шунингдек, тайёрловчи томонидан хўжаликка уруғликни етказиб бериш муддатлари белгиланмаган. Тузилган контрактация шартномасида тарафларнинг манзилларини, ҳатто хўжаликнинг номи, раҳбарнинг исм-шарифи, банк реквизитлари ҳам ёзилмаган.

Баъзан тарафларнинг эътиборсизлиги ва шартнома интизомига риоя этмасликлари оқибатида шартнома шартларининг бузилиш ҳолларига ҳам йўл қўйилмоқда.

Ўтган йили Навоий вилояти хўжалик судига тузилган шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳолати бўйича даъвогарлардан 2161 та ариза тушган. Суд кўриб чиқилган низолар бўйича 1844 та ҳолатда шартнома интизоми бузилган деб топилиб, шартнома шартини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган 83369,0 минг сўмлик зарар суд қарорларига асосан ундирилди.

Шартнома мажбуриятини бажармагани, шартнома интизомига риоя этмагани боис зарар етказиш ҳолатлари бўйича суд томонидан 16 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилди, 384 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 744 минг сўм жарима ундирилди. Корхонага мулкий зарар етказгани учун 106 нафар мансабдор шахсдан 700 минг сўмлик мулкий зарар ундирилган. Ишда йўл қўйган хато ва камчиликлар учун 52 нафар шахсга нисбатан суднинг хусусий ажримларига асосан интизомий чора қўлланилди.

**Т.ҚАҲҲОРОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**И.ХОЛБОЕВ,**
**журналист**

Fuqarolik jamiyati sari

# ДЕМОКРАТИЯНИНГ ШАРҚОНА МАКТАБИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Айни пайтда маҳаллаларга тегишли ҳудудлардаги иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий, сиёсий масалалар бевосита ўша жойларнинг ўзида ҳал этилади ва бунда маҳаллалар хокимликларнинг энг ишончли бўғинига, таянчига айланди.

Маҳалла қўмиталарига ўзини-ўзи бошқариш вазифасининг юклатилгани, маҳалла қўмиталари раисларига маош тўланиши, маҳалла фаолларининг моддий жиҳатидан рағбатлантирилиши улар фаолиятини янги босқичга кўтарди. Бу борада, айниқса, **«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»**ги қонун (2004 йил 29 апрел) жуда катта ижтимоий аҳамият касб этаётир.

Мазкур қонундан кўзда тутилган асосий мақсад — шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), шунингдек, унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Қонуннинг 3-моддасида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловига оид асосий принциплар белгилаб берилган. Жумладан, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилиши, сайловда фуқаролар йиғинининг ҳар бир иштирокчиси бир овозга эгалиги уқтирилган. Бундай сайловда фуқароларни эркин иштирок этишлари, уларга қайсидир манфаати ёки мақсаддан келиб чиқиб таъсир кўрсатишга уринишга йўл қўйилмаслиги, ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар бу сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эгалиги ҳам қонунда (4-модда) аниқ кўрсатилган.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда ошкоралик принципига амал қилинади. Яъни сайлов куни, вақти ва жойидан, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатиладиган номзодлардан барча фуқаролар хабардор этилади. Сайлов жараёни ва унинг натижалари очиқ-ойдин ёритиб борилади.

Шу билан бирга қонунда мазкур сайловларни ташкил этишда кўмаклашувчи комиссиялар тузиш, бу комиссияларга бериладиган ваколатлар, ишчи гуруҳини тузиш ҳамда бу гуруҳга бериладиган ваколатлар батафсил таърифланган. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзод кўрсатиш ваколати эса, тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикр-мулоҳазалари асосида ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Номзодларга доир ҳужжатлар туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига сайловдан камида ўн кун олдин топширилиши қонунда (14-модда) белгилаб қўйилган.

Қонунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида овоз бериш ҳамда натижаларни аниқлаш билан боғлиқ барча тартиб-қоидалар аниқ ўз ифодасини топган. Жумладан, очиқ овоз бериш, ёпиқ овоз бериш тадбирларини ўтказиш тартиблари, овозларни санаб чиқиш, сайлов якунларини чиқариш — барча-барчаси мазкур қонунда қатъий белгилаб қўйилган. Айрим ҳолларда, масалан, раис ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Такрорий овоз бериш ҳам аниқ натижа билан якунланмаган тақдирда, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчиси такрорий сайлови кўпи билан бир ой муддат ичида ўтказилади (27-модда).

Кўриб турганимиздек, **«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»**ги қонун, аввало, ўзининг демократик принципларга асослангани билан эътиборга молик. Қолаверса, халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланиб келаётган урфодат ва анъаналарини ўзида тўла-тўкис мужассам этган. Дарҳақиқат, эл ишончини қозонган обрўли инсонлар оқсоқоликка сайланади. Аҳолининг умумий йиғини маҳалла фаолиятидаги етакчи бошқарувчи бўғин ҳисобланади. Оқсоқолни сайлаш ва уни вазифасидан олиш умум йиғин ихтиёридадир. Демак, маҳаллани бошқариш жараёнидаги барча масалалар ҳам маслаҳат, кенгаш йўли билан ҳал этилади.

Маҳалла фуқароларни табиий равишда давлат билан мустаҳкам боғлаб турувчи, жамоатчилик манфаатларини ўзида мужассам этувчи муассаса сифатида фаолият кўрсатаркан, бу бўғинда асосий масъулият фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари зиммасига тушишини унутмаслик лозим. Шу жиҳатдан ҳам, **«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»**ги қонун ғоятда муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги дастлабки тажрибаларнинг маҳалла тизими орқали намоён бўлаётгани шарқона демократиянинг истиқболидан далолатдир.

**Барнохон АБДУЛЛАЕВА,**
**сенатор**

Ogohlik zarurati

# АХБОРОТ ТАҲДИДИ

## у нималарда намоён бўлади?

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Стратегик даражада психологик операциялар муайян сиёсий ёки дипломатик қарашларни, расмий баёнотларни ёки давлат раҳбарларининг хабарларини тарқатиш ва тарғиб қилиш шаклида бўлиши мумкин. Ахборот-психологик таъсир ўтказишда сиёсий ва ҳарбий раҳбарлар, шунингдек, ОАВ, маданият ва санъатнинг кўзга кўринган вакиллари асосий объект бўлиб ҳисобланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, кейинги пайтларда мамлакатимизга нисбатан ҳам ахборот-психологик таҳдидлар содир этилмоқда. Бу жараёнга Президентимиз Ислом Каримов қуйидагича изоҳ берган: **"Жаҳон геосиёсатида халқларни маънавий-мавкуравий жиҳатдан тобе этишга интилиш ва бугунги кунда дунёни шундай асосда бўлиб олишга уринишлар давом этмоқда. Бунинг учун улар ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари, уларнинг ютуқларидан ҳамда турли хил марказлар, айни пайтда ўзаро ҳамкорликка йўналтирилган ижтимоий, маданий, иқтисодий воситалардан фойдаланиш орқали дунёнинг турли ҳудудларида ўзларига мос мафкуравий муҳитни шакллантириш мақсадларини ҳам кўзламоқдалар. Барчамиз бугунги ҳаёт олдимизга қўяётган бир аччиқ ҳақиқатнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз зарур. Бу аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, агарда кимда-ким бизнинг мустақил тараққиёт йўлимизни, орзу-мақсадларимизга эришиш йўлини, янги жамият қуриш йўлини тўсмоқчи бўлса, аввало, ҳали суяги қотмаган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг қалби ва онгининг мўртлигидан фойдаланиб, уларнинг маънавиятини бузиб, бизнинг азалий табиатимизни ва муқаддас одатларимизга мутлақо зид бўлган ғоялар билан чалғитиб, ўзининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш йўлида қурол қилиб олишга уринади".**

Бу эса уларга қарши жиддий курашишни тақозо этади. Бунинг учун ахборот хавфсизлиги бўйича кенг қамровли тадбирларни амалга ошириш зарур. Миллий истиқлол мафкурасини кенг тарғиб этиш, аҳолини тўғри ахборот билан тез ва ўз вақтида таъминлаш, жамоатчилик фикрини тўғри шакллантириш ана шундай вазифалар сирасига киради.

**Худоёр МЕЛИЕВ,**
**магистр**

Mitti maslahat

**Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси ўлароқ 2005 йилнинг 28 декабрида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди ва 30 декабрдан бошлаб кучга кирди. Мазкур қонунга мувофиқ «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 25,40,41,184,201,202-1, 239, 239-1, 240 ва 245-моддалари ҳамда Жиноят кодексининг 139,140,159,217 ва 241-1-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.**

# ТУҲМАТ ВА ҲАҚОРАТ

## учун қонунда қандай жавобгарлик белгиланган?

Бундай ўзгартиш ва қўшимчалардан бири инсон шаъни ва қадр-қимматини поймол қилганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилгани, айниқса, диққатга сазовордир. Ушбу масала «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 40 ва 41-моддаларида ҳамда Жиноят кодексининг 139 ва 140-моддаларида ўз аксини топган бўлиб, улар инсонни инсон туҳмат ва ҳақорат қилганлиги хусусидадир.

Айни пайтгача амалда бўлган «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексга мувофиқ туҳмат қилганлик, яъни била туриб, ёлғон гапиргани ёки бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмалар тарқатгани учун энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробаригача, ҳақорат қилиш — шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситганлик учун эса энг кам иш ҳақининг 2 баробаригача миқдорда жарима жазоси тайинланарди. Эндиликда туҳмат қилганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробаридан 60 баробари (188.000-564.000 сўм)гача жарима жазоси қўлланилади. Кимнидир ҳақорат қилган киши эса эндиликда энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 40 баробари (188.000-376.000 сўм)гача жарима тўлашга мажбур. Ёки шу пайтгача Жиноят кодексида туҳмат қилганлик учун энг кам иш ҳақининг 50,100 баробаригача, ҳақорат учун эса 50,150 баробаригача жарима тўлаш белгиланган эди. Энди эса туҳматчи энг кам ойлик иш ҳақининг 200,400 баробари (1.880.000-3.760.000 сўм)гача, агар ҳақорат қилган шахс жиноятчи бўлса, энг кам иш ҳақининг 200,400,600 баробари (1.880.000-3.760.000-5.640.000 сўм)гача жарима тўлашдан ўзга чораси йўқ.

Қонунларга бундай ўзгартириш киритишдан мақсад жамиятимизнинг ҳар бир онгли аъзосининг Конституция ва қонунларга риоя қилиши, бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилиш, шахснинг шаъни, қадр-қимматини камситишнинг олдини олиш, бир сўз билан айтганда, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришдан иборатдир.

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексда мавжуд бўлган «туҳмат» ва «ҳақорат қилиш» каби тушунчалар Жиноят кодексидаги худди шундай тушунчалардан мазмун жиҳатидан фарқ қилмайди. Лекин Жиноят кодексида туҳмат ва ҳақорат қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс бир йил мобайнида яна шу ҳуқуқбузарликни содир этса, жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

**Мўминжон ОБИДОВ,**
**ҳуқуқшунос**



*Ватан манзаралари*

Taqdimot

# ҲУҚУҚ ВА БУРЧ МУШТАРАКЛИГИ

## у янги журнал фаолиятининг асосини ташкил этади

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Журнал Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Конституциявий суд, Бош прокуратура, Олий суд ҳамда Олий хўжалик суди муассислигида нашр этилмоқда. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва бурчини яхши билиши ва шунга риоя этиши жамиятда адолат устуворлигини таъминлайди. Бунга эришишда эса ОАВнинг аҳамияти беқиёсдир.

Буни тақдимот иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари ҳам тасдиқлайди.

**Зикир МУҲАММАДЖОНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони:**

— **«Huquq va burch»** номли янги журнал нашрдан чиққанини эшитиб, ғоят қувондим. Негаки, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида борилаётган бугунги кунда юртимизда чоп этилаётган юридик журналлар яна биттага кўпайди. Журналга ном жуда тўғри танланган. Ахир, ўз ҳуқуқи билан бирга бурчини билмаган одамдан нимани кутиш мумкин?

**Одина ЗОКИРОВА, юридик фанлари доктори:**

— Янги журнал чоп этилганини эшитиб, оиламизда янги чақалоқ дунёга келгандек суюндим. Журнал нафақат ҳуқуқшунослар, балки оддий одамлар, халқимизнинг севимли нашри, фикр ва талабларининг асосий минбари бўлиб хизмат қилишини тилаб қоламан.

**Шуҳрат Ҳайдаров, ТДЮИ магистри:**

— Конституциямизда фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилган, шу билан бирга, ҳар бир шахснинг давлат ва жамият олдидаги бурчи ҳам белгилаб қўйилган. Жумладан, барчамизнинг таълим олиш ҳуқуқимиз Конституциямиз ва бошқа қонунларимизда қайд этилган бўлиб, ушбу таълим муассасаларининг ички тартиб-қоидаларига риоя этиш бурчимиздир. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, янги нашрнинг номида ҳам чуқур маъно бор. Агар журнал ана шу икки буюк тушунча моҳиятини нурлантириб турса, ўйлайманки, ўз зиммасидаги вазифани бажарган бўлади.

*Одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда **«Huquq va burch»**нинг ўз ўрни, ўз овози бўлишига ишонамиз.*

**Ўз мухбиримиз.**

Qonun ko`magi

**Ҳақиқат эгилади, букилади, бироқ синмайди, деган ҳикмат ҳаётда адолатнинг барқарорлигига ишонч уйғотибгина қолмай, курашчан инсонларни ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва бу йўлда собит туришга рағбатлантиради. Хусусий тадбиркор А.Сидировнинг кейинги бир неча йилда бошидан ўтказганлари ҳам юқоридаги ҳикмат бежиз айтилмаганидан далолат беради.**

# АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Бу воқеанинг аввали, собиқ шўролар даврига бориб тақалади. Собиқ халқ депутатлари Риштон туман комитетининг 1988 йил 27 июлдаги 124/7-сонли қарорига асосан, «Сўх» совхози ҳудудига қарашли Қалъа қишлоғида 140 ўринга мўлжалланган болалар боғчаси қурилиши бошланган эди. Аммо бу иш, номаълум сабабларга кўра, чала қолиб кетди. 1992 йилнинг 3 июл куни Қалъа қишлоғида ўтган маҳалла фаоллари йиғилишида туман ҳокимлигидан ҳам вакиллар қатнашишди. Йиғилишда янги боғча биноси қурилиши тўхтаб қолгани сабабли қурилиш ҳудудидаги томорқа ерлари эвазига уларнинг эгаларига бошқа жойдан томорқа бериш масаласи ҳал этилади. Аниқроқ айтганда, ер эгалари С.Жалолиддинова ва М.Иброҳимовга бошқа жойдан томорқа беришга қарор қилинади.

Орадан бир неча йиллар ўтгач, шу ерлик тадбиркор А.Сидиров Сўх тумани ҳокимлигига хат ёзиб, чала қолган болалар боғчаси қурилиши ишларини охирига етказиши мумкинлигини маълум қилди. Хусусий тадбиркорнинг бизнес-режаси Сўх тумани ҳокимлиги томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, қурилиш объекти «кимошди» савдоси орқали 1 миллион 538 минг 319 сўмга тадбиркорга сотилди ва бу савдо туман ҳокимининг 2000 йил 7 август кунидаги 268-сонли қарори билан тасдиқланди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: нега туман ҳокимлиги қурилиши тугалланмаган боғча биносини айнан хусусий тадбиркор А.Сидировга сотди ва унга расмийлаштириб берди? Гап шундаки, А.Сидиров Сўх туманида биринчилардан бўлиб хусусий тадбиркорликка қўл урган ва ўша вақтда бу ишнинг уддасидан чиқаётганди. У 1994 йили Қалъа қишлоғидаги маҳалла гузарида жойлашган эски чойхона ўрнида янги чойхона, хусусий савдо дўкони, новвойхона, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат биноларини қуриб, фойдаланишга топширганди.

Хуллас, тадбиркор қурилиш ишларини жонлантириш тараддудига тушади. Шу орада ажабтовур ҳодиса рўй беради: шу қишлоқда яшовчи Б.Иброҳимов А.Сидировга тегишли ернинг 0.09 сотихини девор билан ўраб олади! Бундан хабар топган тадбиркор вазминлик билан бу жой ўзига қарашли эканини айтиб, тегишли ҳужжатларни кўрсатади. Ўз навбатида Б.Иброҳимов ҳам ер ўзига тегишли экани ҳақидаги ҳужжатни тақдим этади. Дарвоқе, Б.Иброҳимовнинг қўлида ҳам Сўх тумани ҳокимининг 2000 йил 4 октябрдаги 330-сонли қарори бор эди. Қизиғи шундаки, бу ҳужжатга ҳам, 2000 йил 7 августдаги 268-сонли қарорга ҳам туман ҳокими имзо чеккан эди.

Табиийки, туман ҳокимининг бундай қароридан А.Сидиров норози бўлади. У «кимошди» савдоси орқали сотиб олган ерини қайтариб олиш учун туман раҳбарларига учрашади. Улар эса, прокуратура ва суд идораларига мурожаат қилишни маслаҳат беришади.

Шундан сўнг Фарғона вилояти прокуратураси ернинг ҳақиқий эгаси А.Сидиров эканини тасдиқлайди. Бироқ Б.Иброҳимов уни тан олмайди. Чунки унинг қўлидаги туман ҳокими имзолаган 330-сонли қарор қонуний кучида эди! Устига устак, А.Сидировнинг низоли ер масаласини қонуний ҳал этишни сўраб вилоят хўжалик судига киритган даъво аризаси суд томонидан 2001 йилнинг 15 мартда кўрилиб, рад этилади. Шундан сўнг мазкур иш юзасидан Фарғона вилояти прокуратураси кассация тартибида Олий хўжалик судига протест киритади. Олий хўжалик судининг судлов ҳайъати низоли ер можароси жисмоний шахс манфаатлари билан боғлиқлигини назарда тутиб, мазкур иш фуқаролик судларида кўрилиши лозимлигини билдиради.

Шундан сўнг А.Сидиров ўзининг ҳақ эканини исботлаш учун архив ҳужжатларини кўтариб, ўзига керакли бўлган маълумотларни тўплай бошлайди...

Масаланинг нозик томони шундаки, 1992 йил 3 июл куни бўлиб ўтган Қалъа қишлоқ фаоллари йиғилиши баённомасида ҳам, «Сўх» совхози маъмуриятининг 1992 йил 28 август кунидаги 200-асонли буйруғида ҳам қурилаётган болалар боғчаси ҳисобига ўтказилаётган томорқа ер эгалари қаторида Б.Иброҳимовнинг номи умуман тилга олинмаган.

Шундай бўлса-да, Б.Иброҳимовга ер ажратиш ҳақида қарор қабул қилинади. Бу эса узоқ тортишувларга сабаб бўлди. Бу орада туман ҳокими ҳам ўзгарди. 2001 йилнинг 31 октябр куни туман ҳокимлиги эски масалага яна бир бор қайтиб, ўзининг 424-сонли қарорини қабул қилади.

Шу тариқа туман ҳокимининг қарори яна ўзгаради. Бироқ ер ҳамон Б.Иброҳимов тасарруфида қолиб кетаверади. Натижада 2002 йилнинг феврал ойида хусусий тадбиркор А.Сидиров фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судига даъво аризаси киритади. Суд мазкур даъво аризаси юзасидан 2002 йилнинг 3 июл куни суд мажлисини ўтказади ва ўзининг ҳал қилув қарорини қабул қилади. Ушбу мажлисда қарши даъво аризасини ҳам кўриб чиқади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, суд ҳар икки даъвогарнинг даъвосини қисман қаноатлантирган. Суднинг ҳал қилув қарорига биноан, қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси ҳудудидаги М.Иброҳимов эгаллаб келган 0.37 гектар ер майдони «Давлат» хусусий фирмаси ихтиёрига қайтариб берилган.

Шунингдек, суд томонидан Қ.Иброҳимованинг қарши даъвоси қаноатлантирилиб, Сўх туман ҳокимининг 2001 йил 31 октябрдаги 424-сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилган. «Давлат» хусусий фирмаси учун берилган хусусийлаштириш ордерининг 0.09 гектар ер майдонига тегишли қисми эса бекор қилинган.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

# XXI АСР НАФАСИ

*воқеалар, хабарлар, тафсилотлар*

## АМЕРИКАЛИКЛАР УРУШГА ҚАРШИ

Ўтган якшанба куни Нью-Йорк шаҳрида Ироқдаги урушга қарши уч юз минг нафардан ортиқ АҚШ фуқаролари намойишга чиқди. Намойишчилар ҳукумат олдига АҚШ

ҳарбийларини зудлик билан Ироқдан олиб чиқиш талабини қўйишди. Ушбу намойиш ветеранлар, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари каби жамоат ташкилотлари томонидан уюштирилган. Шунингдек, намойишда АҚШнинг бир қатор машҳур кишилари ҳам иштирок этишган. Жумладан, улар орасида машҳур ҳуқуқ ҳимоячиси Жесси Жексон, таниқли актриса Сьюзан Сарандон, урушга қарши ҳаракат фаолларидан Синди Шихан ва бошқалар бор. Синди Шиханнинг ўғли ҳам Ироқдаги ҳарбий тўқнашувлардан биридан қурбон бўлган.

Намойишчилар Оқ уй расмийлари ва АҚШ Конгресси олдига зудлик билан урушни тўхтатиш, аскарларни ўз уйларига қайтариш ҳамда АҚШ фуқаролари ҳуқуқларини поймол қилишни тўхтатиш талабини қўйишган.

Намойишчиларнинг ушбу ҳаракатига Пентагоннинг жорий йилнинг апрел ойида Ироқда 69 нафар АҚШ ҳарбийларининг қурбон бўлгани ҳақидаги маълумоти сабаб бўлган.

## ТУРКИЯДА НАМОЙИШ

«РИА-НОВОСТИ» ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, куни кеча Туркиянинг Истанбул шаҳрида намойиш бўлиб ўтган. Намойишчилар Америкага қарши шиорлар билан чиқишган. Улар полициянинг тарқалиш тўғрисидаги талабини бажармаган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига қаршилик кўрсатишга уринган. Натижада намойишчиларга нисбатан кўзни ёшлантирувчи газ воситаси қўлланилган. Полиция 25 нафар тартиббузарни

қўлга олгани ҳақида маълумот тарқатилган. Шунингдек, намойишчилар орасида турли даражада тан жароҳати олганлар бўлиб, ҳозирча уларнинг сони ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Маълум бўлишича, ушбу намойиш Туркиянинг касаба уюшмалари бирлашмаси ва бир қатор сўл сиёсий партия етакчилари томонидан уюштирилган. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бундай норасмий намойишлар Истанбулдан ташқари Туркиянинг Осиё қисмида жойлашган Кадикий тумани ва Ўрта ер денгизи қирғоғи яқинидаги Мерсин шаҳрида ҳам бўлиб ўтган.

## ИСРОИЛДА ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАШКИЛ ТОПДИ

Душанба куни Исроил Бош вазири Эҳуд Олмерт ҳукуматнинг янги таркибини эълон қилди. Ушбу таркибда Ципи Ливни Бош вазир ўринбосари ва Ташқи ишлар вазири сифатида фаолият юритади. Маълумки, Ципи Ливни Исроилда бўлиб ўтган парламент сайловларида ғолиб бўлган "Кадима" партиясининг фаолларидан бири. Шунингдек, "Меҳнат" партияси етакчиси Амир Перец Мудофаа вазири, собиқ мудофаа вазири Шаул Мофаз эса Транспорт вазири, "Кадима" партиясининг яна бир вакили Шимон Перес Бош вазир ўринбосари — Негев ва Галилеи ҳудудларини ривожлантириш

вазири, собиқ транспорт вазири Меир Шитрит эса Уй-жой қурилиш вазири этиб тайинланган.

## ШРИ-ЛАНКАДА ПОРТЛАШЛАР

Шри-Ланканинг шарқий ҳудудида жойлашган Тринкомали шаҳрида террорчилар томонидан ўрнатилган бомбанинг портлаши натижасида 4 нафар тинч аҳоли вакили ва 1 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган. Ҳукумат ушбу қўпорувчилик ҳаракатини "Тамил йўлбарслари" айирмачилар гуруҳи томонидан содир этилган, деб ҳисобламоқда. Шунингдек, ўша куни ҳарбий кемалардан бирига ҳам қуролли ҳужум уюштирилиб, натижада 5 нафар денгизчи турли даражадаги тан жароҳати олган.

## ЯНА ЙИГИРМА ТЎРТ НАФАР ҚУРБОН

Шанба куни Хитойнинг шимолий ҳудудида жойлашган Шанси вилоятидаги кўмир конларидан бирида портлаш юз берган. Кучли портлаш натижасида 24 нафар кончи ҳаётдан кўз юмган. 8 нафар кончининг тақдири эса ҳозирча номаълум. Ҳукумат уларга ёрдам кўрсатиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрмоқда.

Мутахассислар берган маълумотларга қараганда, Хитойда мавжуд бўлган шахталар дунё бўйича энг хавфли ҳисобланади. Расмий маълумотларга таяниб айтадиган бўлсак, 2005 йилда 8 минг нафар кончи ана шундай портлашларнинг қурбонига айланган.

**Интернет материаллари асосида Хусанбой ДЕҲҚОНОВ тайёрлади**

**Жамиятнинг қонун ва кодекслари бўлганидек, табиатнинг ҳам ўз қонунлари бор.**

**Жамият қонунларига амал этувчи инсон табиат қонунларини ҳам четлаб ўтмаслиги, уларга бўйсунмоғи керак.**

Ekologiya — boqiy qadriyat

# СЎПИТЎРҒАЙ ҚАНОТИДАГИ ХАТ

Эссе

## «Шлок»

Бадиий адабиётда «шлок» деган янги вазннинг пайдо бўлиши бир қушчанинг ўлими билан боғлиқ экан. Овчи дарахт шохида турган қушчани отиб туширади. Урғочи қуш ерда жонсиз ётган жуфтининг теварагида парвона бўлиб чирқирайди. Бу ҳолатни кўрган раҳмдил одам қаттиқ қайғуриб, овчини қарғайди. Унинг қарғиши «шлок» вазнидаги шеър бўлиб жаранглайди.

Кўпқаватли уй девори ортида пусиб турган танишимни кўриб, ҳинд халқ эпоси «Рамаяна»даги ана шу воқеа ёдимга тушди. Танишим ўтлар орасига тузоқ қўйиб, бир қушни пойларди. Қушни тириклай тутиб олиш унинг учун «ҳаётий зарурат» эди. Эртага «Гуллар ва қушлар» байрамига ўғилчаси, битта тирик қуш олиб бориши керак.

Танишимни раъйидан қайтариш ниятида унга яқинлашдим. Салом бердим. У бош қимирлатиб алик олди, аммо тузоқдан кўз узгиси келмади, вазият таранг эди, қанотлари малла, кўксидаги майин патлари қизғиш қушча ортидан келаётган ҳамроҳига қарабқараб қўяр ва тузоқ олдига солиб қўйилган нон увоқларига тобора яқинлашарди.

«Шлок», дедим танишимнинг елкасига уриб.

Танишим менга ўқрайиб тикилди. Қўлидаги ипнинг учи титраб кетди. Чўп тираб қўйилган тунука тоғора — тузоқ тарақлаб йиқилди. Қушчалар осмонга парвоз қилди. «Ух, эссизгина», деган афсус эшитилди балкондан.

Сиз нима демоқчисиз ўзи? — сўради ҳафсаласи пир бўлган танишим жаҳл аралаш.

— Мен Даррелл ҳақида айтиб бермоқчиман. Ахир, сиз ҳам зоолог-ку. Шу фандан дарс берасиз...

Ғарчи ёқмаётган бўлса-да, танишим менинг Даррелл ҳақидаги ҳикоямни эшитишга чоғланди.

## Даррелл пайқаган қадрият

— Ўшанда Жеральд Даррелла тут қоқиб беришди, — дея гап бошладим. — Ширага тўлган, етилиб пишган оппоқ марвариддай тут. У бир кафт тутни оғзига ташлади. Соқолдор кенг юзида акс этган ифодаларни томоша қилиш мароқли эди. Тутни оғзига солди-ю, тамшана туриб бир гап айтди... Таржимон ўзбекчага ўгирди. Даррелнинг ўзи эса жойпўшдаги оппоқ марварид доналардан кўз узмасди. Йўқ, у тутга эмас, аёллар ушлаб турган жойпўшга қараб турарди...

Менинг гапларимни суҳбатдошим диққат билан тинглай бошлади.

— Даррелнинг гапи аниқ ёдимда. Ўшандан буён кўп йиллар ўтди. Агар хотирам панд бермаса, 60-йиллар эдими, балки 70-йилларнинг охиридир. Майли, бу масаланинг моҳиятини белгиламайди. Мен бу жаҳонгашта олимга завқу шавқ билан қараб турардим. Ахир, у оддий сайёҳ ёки шунчаки табиат ишқибози эмас. Унга «Она ер шарпаси», «Менинг аравамдаги зоопарк», «Ҳайвонот олами билан учрашув», «Юки оғир кема» каби ўзи ёзган ўнлаб китоблар таскин бермаган. У 1958 йили Жерси оролида ўзининг хусусий боғини ташкил этган. Йўқолиб кетиш арафасида бўлган ноёб жониворларни тўплаган, уларнинг ҳаётини ўрганган, кўпайтирган ва яна ҳаммасини табиат бағрига қайтарган. Шу мақсадда машҳур зоолог ва ёзувчи жаҳонни кезиб, Янги Зеландия, Австралия, Африка, Россияга сафарлар қилган.

— Уни қаерда кўргандингиз? — сўради суҳбатдошим.

— Даррелл тутни Самарқандда таноул этганди. Тўрт аёл жойпўш тутиб турарди. Эҳтимол, бу гапларнинг қадриятларимизга нечоғлик аҳамияти бор, деб сўрарсиз. Аммо ўша мулоқотда тут қоқиш жараёни, ўзаро муносабатлар, меҳмоннавозликдан бошқа ҳам жуда кўп ҳолатларни кузатганман.

Тепадан оппоқ марварид ёғарди. Сирасини айтганда, тут қоқиш завқли иш. Халқимиз бу юмушнинг қадрига етади. Зеро, нимаики миллат турмушига мос экан, миллатнинг ўзига хос жиҳатларини бўрттириб кўрсатиб тураркан — қадрият шу.

Дарвоқе, тепадан оппоқ дурдай тут ёмғирдек «дув» тўкилар, «тўқ-тўқ» этган овоз эшитилар, аёлларнинг ҳаё пардасига ўранган майингина кулгуси жарангларди.

Дарахт устидаги йигит энди бошқа шохга ўтди. Нарироқдан «тўқ» этган қисқа бир товуш эшитилди. Бир ҳовуч тут майсалар устига сачраб тушди. Бу ҳолат «белги бериш», дейилади. Аёллар жойпўшлари билан ўша томонга ўтишди. Энди йигит қўлидаги тешанинг дастаси билан шохга қаттиқроқ ура бошлади. Аёлларнинг бошларига, елкалари ва сочларига оппоқ тут доналари тўкилар ва думалаб пастга тушиб кетарди...

Бу неча минг йиллардан бери авлоддан авлодга ўтиб келаётган меросий юмуш. Тут қоқиш, таъбир жоиз бўлса, киприк қоққунча ўтиб кетадиган умрнинг рангин лаҳзаси.

— Ўшанда Даррелл нима деган эди? — сўради суҳбатдошим сабри чидамай.

— Даррелл улуғ бир қадрият тўғрисида гапирганди.

— Тутларингиз ширин экан, демаганмиди?

— Йўқ. У тут ҳақида фикр айтмади.

— Айтинг энди, ўша олим нима деганди, — сўрайди сабрсиз суҳбатдошим энди афтидан, Даррелнинг номини ҳам унутиб.

— Айтаман, Даррелл: халқингиз табиатни яхши кўраркан, деди. У жойпўшнинг бир четини кўтариб кўрсатди, унда турли хил рангдаги ипакдан тикилган кашталар бор эди. Табиатга ошно экансизлар, деди у. Мана, мен бу белгиларда дарахт новдаларини кўряпман, деди.

Бу Даррелл пайқаган қадрият эди.

## «Вашшамс била ваззуҳо»

Қуёш чиқишини кузатиш ғоят мароқли. Бу улуғ инсонларнинг, жумладан, Ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳам севимли машғулоти бўлган. Дунёни қаламининг кучи билан мусаххар этган бобомиз тонг палласини теран дард билан қабул қилганлар.

***Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокроқ***
***Кипригим шабнам тўкилган майсадин намроқроқ.***

Шоирнинг кўкси тонг пироҳани, яъни кўйлаги каби чок-чок, кўзларида ёш... У тонгни шундай қаршилайди. Қуёш кўтарилади. Жилвагар нурлар ёйилади. Улуғ шоирнинг дилидаги оташ тилига кўчади:

***Ёзди само тоқига хилки қазо***
***Ояти вашшамс била ваззуҳо.***

Бу мисралар оҳангида табиатга ошуфталик бор. Зеро, тирик жон борки, қуёшга интилади. Гиёҳлар ундан ранг, таъм олади. Яратганнинг иноятн билан қуёш борлиққа жон бағишлайди. Осмоннинг бекиёс чароғига интилган жонзотлар орасида қалдирғоч деган энг тезучар қуш ҳам бор. Барча паррандалар орасида одамзотга ўзини энг яқин тутадигани — шу қуш.

Қалдирғоч одамдан ҳимоя кутади. Ундан чўчимайди, имконини топса, одам яшайдиган уйнинг шифтига ин қуради, бола очади. У хонага кичкина туйнукдан адашмай кириб келади ва адашмасдан чиқиб кетади. Бошқа бирорта қуш бундай қилолмайди.

Халқимиз азал-азалдан саҳархез. Барча донишмандларимиз саҳархезликни тарғиб қилишган ва бу одат биз-нинг қадриятимизга айланган. Айрим халқларда пешингача ухлаш одати бор. Масалан, европача роман ва киноларда аксарият одамлар соат ўнда туриб нонуштага ўтирадилар. Баъзи хонимлар ва жанобларга тўшаклари устига нонушта олиб келиш одати ҳам мавжуд.

Дарвоқе, қалдирғоч тонгда туриб Валфажрни ўқийди. У чуғурлаб узоқ сайрайди ва «нутқини» кўпинча «валфажр», деган сўз билан тугатади. Қалдирғоч халқимизнинг энг арзанда қуши. Унга озор бериб бўлмайди.

## Жавоҳирлар сандиғи

***Менинг отим сўпитўрғай***
***Қанотимда хатим бўлғай.***

Сўпитўрғай миттигина қуш. Уни овлаб, еб ҳеч ким барака топган эмас. Қушнинг қанотида хат бор. Жуда сирли! У қандай хат? Сўпитўрғай қанотида нима деб ёзилган?

Бундан 25-30 йиллар муқаддам собиқ шўро матбуоти алармистлар, деган оқим пайдо бўлгани ва бу оқим тарафдорлари табиат ғорат қилинаяпти, атроф-муҳит ифлосланаяпти, ҳайвонот ва наботот ҳалокат ёқасида, дея бонг ураётгани тўғрисида ёзиб, ваҳимага ўрин йўқлигини таъкидлаган эди.

Энди кўриндики, бонг уриш зарур экан. Табиат қашшоқлашиб, бунинг эвазига «Қизил китоб» семириб бораётган экан.

Баъзи одамлар дарёларнинг ҳимоя зонасини эгаллаб олиб, одат ва қадриятларимизга зид ишлар қилишмоқда. Улар сўпитўрғай қанотидаги хатни ҳам, валфажрни ўқиётган қалдирғочни ҳам гўё унутгандай.

— Нега, — сўрайди шу пайтгача сукут сақлаб ўтирган суҳбатдошим.

— Чунки бундай кимсалар халқнинг қадриятлар жавоҳирига тўла сандиғини очиб қарамайди.

— У сандикда нималар бор ўзи?

— Сандикда сўпитўрғай қанотидаги хатнинг талқини бор.

— Сандиқнинг ўзи қаерда?

— Ҳар биримизнинг қалбимизда.

Ҳа, сўпитўрғай қанотидаги хат ўша сандиқнинг битта жавоҳири. Бу хат табиатни муҳофаза қилишнинг халқона, энг содда ва шу билан бирга энг таъсирчан усули. Бу усул билан сўпитўрғай ўзини-ўзи ҳимоя қилади.

**Н.АРСЛОНОВ**

Dunyoning ishlari

# БОҚИЙЛИК СИРИ

*(Давоми. Боши ўтган сонда)*

## Сен-Жермен ҳақида афсоналар

У ҳақда ақл бовар қилмас афсоналар юради. Бу афсоналарга кўра, Сен-Жермен 500 йилдан ошиқ умр кўрган, боқийлик эликсирини кашф этган, фалсафий тош сирини ечган эмиш. Афсоналарнинг бири келажакни кўрсатувчи "Сен-Жермен ойнаси" билан боғлиқ. Эмишки, граф Людовик XVга бу ойнада унинг авлодлари тақдирини кўрсатган, қирол унда боши танасидан жудо бўлган набирасини танигач, ҳушини йўқотаёзган.

Архивларда Калиостронинг сўзларидан ёзиб олинган Сен-Жермен билан учрашув воқеаси сақланади. Гўёки у Сен-Жермен билан Гольштейнда учрашган, шу ерда граф томонидан Тамплиерлар орденининг энг юксак даражасига кўтарилган эмиш. Калиостронинг таъкидлашича, ўша ерда у графнинг мўъжизакор ойнасини ҳам, боқийлик эликсири сақланадиган идишни ҳам кўрган.

Казанова ўз мемуарларида Франциянинг Турин шаҳрида Сен-Жермен билан учрашганини ёзади. Унинг сўзларига қараганда, граф ҳақиқий афсунгарлардек ғалати кийинган – эгнида белигача тушадиган узун шарқона кўйлак, бошида қалпоқ, қўлида фил суягидан ишланган асо бўлган. Учрашганимизда граф ўз лабораториясида алкимё тажрибалари билан машғул эди, деб ёзади Казанова. Граф ундан 12 сулик мис тангани олиб, қизиган кўмир устига қўяди-да, пуфлайдиган найча билан ишлов бера бошлайди. Танга эриб совугач, граф уни меҳмонга қайтариб беради. "Ахир, бу олтин-ку!" – дейди ҳайратини яшира олмаган Казанова.

Сен-Жерменнинг хизматкори билан боғлиқ ҳикоя ҳам одамларнинг диққатини тортиб келади. Хўжайнининг Юлий Цезарь билан учрашгани ростми, деган саволга хизматкор гўё шундай жавоб берган эмиш: - "Кечирасиз, мен фақат уч юз йилдан бери унинг хизматидаман..."

## Сирли саёҳатлар

Сен-Жермен вақти-вақти билан ўз қароргоҳига айланган Францияни тарк этиб, италиялик маркиз ди Монферра, испаниялик граф Белламар, португалиялик маркиз д'Аймар, олмон кавалери фон Шенинг, инглиз лорди Уэлдон, рус графи Солтиков, венгер графи Цароки, француз де Сен-Ноэль исмлари билан Италия, Голландия, Англия, олмон князликларининг гоҳ у, гоҳ бу шаҳарларида пайдо бўлиб қолар эди. Бу одамни шахсан таниган кишиларнинг гувоҳлиги бўлмаса, буларнинг барчаси бошқа-бошқа одам бўлса керак, деган фикрга бориш мумкин.

Кўпчилик Сен-Жерменни Европа монархларининг нозик ишларини пул эвазига бажарадиган жосус, тўғрироғи, "эркин агент", деб билган. Граф норасмий чопарлик вазифасини бажарган ёки яширин музокараларда воситачилик қилган бўлиши ҳам мумкин. Графнинг катта миқдордаги бойликларини ҳам шу билан изоҳлашади баъзан. Бу тахмин мантиқан тўғри эса-да, бироқ Сен-Жермен билан боғлиқ кўплаб жумбоқларнинг ечимини топишга ожизлик қилади.

1755 йили Сен-Жермен яна бир машҳур авантюрачи генерал Роберт Клайв ҳамроҳлигида Ҳиндистонга сафар қилади. Кейинчалик Парижга қайтиб келиб, Людовик XVнинг марҳаматига ноил бўладики, қирол унга алкимёгарлик тажрибаларини ўтказиш учун Шамбор қасрини совға қилиб юборади. Бироқ 1760 йили граф билан қирол ўртасидаги муносабатларга совуқчилик тушиб, у Францияни узоқ муддатга тарк этади. Ўша йилнинг баҳорида Сен-Жермен Англия пойтахтига келади. Бу ҳақда "Лондон Кроникл" газетасида чоп этилган мақоладан ҳам билиб олиш мумкин.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай граф яна кўздан ғойиб бўлади. Тахминларга кўра, бу пайтда Сен-Жермен Россияда бўлиб, Екатерина II ни тахтга келтирган 1762 йилги сарой тўнтаришини амалга оширишда фаол иштирок этган. Тўғриси, бу воқеа иштирокчилари Сен-Жерменнинг тўнтаришига қанчалик алоқадор экани ҳақида бирон-бир маълумот бермайдилар. Бу тахмин фақат билвосита олинган маълумотларга асосланади. Хусусан, маркграф Брандербург-Ансбахсийнинг бир неча муддат ўз уйида меҳмон бўлиб турган Сен-Жермен ҳақидаги ҳикояси диққатга сазовор. Брандербург-Ансбахский Сен-Жермен ҳамда граф Алексей Орлов-Чесменскийнинг 1774 йил Нюрнбергдаги учрашуви гувоҳи бўлган. Орлов учрашувга рус генерали формасида келган (!) Сен-Жерменни қучоқ очиб қаршилаган, икки сўзининг бирида caro padre ("муҳтарам отагинам"), дея атаган, тушликдан сўнг муҳим масалалар хусусида суҳбатлашиш учун хонада узоқ вақт ёлғиз қолиб кетишган.

Европа бўйлаб узоқ саёҳат қилган Сен-Жермен 1770 йил яна Парижга қайтиб келади. Бироқ орадан тўрт йил ўтгач, аниқроғи, Людовик XVнинг вафотидан сўнг у Германияга бош олиб кетади.

Бундан кейинги маълумотларга ишонадиган бўлсак, Сен-Жермен икки кишига айланиб қолган. Биринчи Сен-Жермен алкимё ва яширин билимлар мухлиси ландграф Карл Гессен-Кассельскийнинг уйида меҳмон бўлади. Кейинчалик Эккенфорнга кетиб, черков китобидаги қайдларга кўра, 1784 йилнинг 27 февралида вафот этади. Унинг қаерда дафн этилгани ҳозиргача номаълум. Бошқа Сен-Жермен аввалига Шлезвиг-Гольштейнга келади, ўзига тегишли қасрларнинг бирида бир неча йил ёлғиз умр кечиргач, Касселга равона бўлади ва 1795 йили ўша ерда вафот этади. Қизиғи шундаки, бу ерда ҳам унинг қабри қаерда эканини ҳеч ким билмайди. Шундай экан, унинг бу дунёни тарк этганига ким кафолат беради?

## Ўлиб, қайта туғилганми?

Сен-Жермен каби сирли одамнинг ўлими ҳам сирли кечиши тайин. Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам. Сен-Жермен тахминан 1784 йили вафот этган. Бироқ у билан "ўлими"дан сўнг учрашганман, дея даъво қилган ҳам бор. Тўғри, бунга Сен-Жермен вафот этган саналардаги чалкашлик сабаб бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда, ўн йил ҳазилакам муддат эмас. Сен-Жерменни таниган одам газеталардан унинг вафот этганини ўқиса-ю, эртаси куни графни соппа-соғ кўриб турса, унинг ҳаёти билан боғлиқ яна бир афсона туғилиши, шубҳасиз.

Бир мисол: 1785 йил Парижда руҳонийларнинг учрашуви бўлиб ўтади. Учрашувда қатнашганларнинг рўйхати сақланиб қолган. Улар орасида Сен-Жерменнинг исм-шарифи ҳам бор. Унинг гўё 1785 ёки 1786 йилда Петербургда Екатерина II билан учрашгани ҳақида ҳам гап-сўзлар юради.

Сен-Жерменни таниган одамлар дунёдан бир-бир ўтиб кетгач, Альберт Вандам деган бир инглиз сирли графни инглиз майори Фрезер номи билан Парижда учратганман, деб ёзади. Гўёки у қаҳрамонимизнинг суръатдаги сиймосига ўхшар, анча-мунча истеъдод соҳиби ҳам бўлган экан. Сен-Жерменнинг 1934 ва 1939 йилларда Франция пойтахтида пайдо бўлгани ҳақида ҳам "маълумотлар" бор. Аммо бу гапларни жиддий қабул қилишга ҳеч қандай асос йўқ.

*(Давоми келгуси сонда)*

**Эркин ХАЙРУЛЛАЕВ тайёрлади**

Qonun ko`magi

# АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Албатта, фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг ҳал қилув қарори томонларни қаноатлантирмади. Низоли ер масаласи Риштондан Фарғона, кейин эса Тошкентгача етиб келди. Апелляция, назорат тартибидаги суд жараёнлари фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз қолдираверади...

Хуллас, 2005 йилнинг 2 октябр куни фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судида А.Сидиров ва Қ.Иброҳимованинг даъво аризалари кўриб чиқилди. Суд томонларнинг фикр-мулоҳазаларини атрофлича ўрганиб, мазкур низоли иш юзасидан тўпланган ҳужжатларга асосан қуйидаги хулосасига келди:

Сўх тумани ҳокимлиги томонидан берилган «Давлат» хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг хусусийлаштириш ордерига асосан фирмага тегишли қурилиши тугалланмаган болалар боғчасининг ер майдони 3200 м² ташкил этади. Собиқ Риштон район ижроия комитетининг 1989 йил 27 февралдаги 124/7-сонли қарорида «Сўх» совхози Қалъа қишлоғида эски мактаб биноси бузилиб, ўрнига 140 ўринли болалар боғчаси қурилиши учун 0.80 гектар ер ажратиш белгиланган эди. Бироқ 140 ўринли болалар боғчаси учун лойиҳа бўйича кўрсатилган 0.80 гектар ер майдони ажратилмаган. Эски мактаб биноси ва ҳовлиси асл ҳолича сақланиб қолган.

**Ер кодекси**нинг 22-моддасига биноан корхона, бино, иншоот ва бошқа кўчмас мол-мулк, хўжалик юритиш ёки уларни кооператив бошқариш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, у шу объектлар жойлашган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритади.

Суд **Фуқаролик-процессуал кодекси**нинг 203-206-моддаларига асосан қурилиши тугалланмаган болалар боғчасининг М.Иброҳимов эгаллаб келган 0.37 гектар ерни ва Қ.Иброҳимова эгаллаб келаётган 0.92 гектар ернинг 0.44 гектарини А.Сидировга олиб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Албатта, суднинг ҳал қилув қароридан иккинчи тараф норози бўлди. Шу боис 2005 йилнинг 14 декабр куни фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судида ушбу масала апелляция тартибида яна кўриб чиқилди. А.Садировга 0,09 гектар ер қайтариб берилди. Бир сўз билан айтганда, узоқ тортишувлардан сўнг ер қонуний эгасига қайтарилди, адолат қарор топди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ, «Инсон ва қонун» мухбири**

*Сўлим гўшалар*


## ЭЪЛОН!

**Самарқанд вилоят адлия бошқармаси Самарқанд шаҳар 9-сон давлат нотариал идорасининг давлат нотариуслик лавозимига ҳамда Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи 2 (икки)та нотариуслик лавозимига танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган, олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.**

**Даъвогарлар танлов газетада эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой муддатда Самарқанд вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин. Улар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:**

*1. Нотариат бўйича Малака комиссияси номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган фуқаро қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*

**Танловда қатнашиш истагини билдирган фуқаролар юқорида қайд этилган ҳужжатларни 2006 йил 22 май кунига қадар топшириши лозим.**

***Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Камол-Отатурк кўчаси, 21-уй. Телефон: 33-13-59, 33-71-57.***


***Фалокат оёқ остида, деган гапни ҳаммамиз эшитганмиз. Унинг маъносини яхши тушунамиз. Бироқ ҳаётда ҳар доим ҳам ана шу ибора, унинг огоҳлантирувчи, кўзни каттароқ очиб, ҳушёр бўлиб яшашга даъват этувчи жиҳатини эътиборга олмаймиз. Оқибатда арзимаган нарса эвазига «чув» тушиб қоламиз, не машаққат билан топган мол-мулкдан ажраламиз. Ваҳоланки, ўз нафсининг қурбонига айланган босқинчи-жиноятчилар бизнинг соддалигимиздан, бепарволигимиздан жуда «унумли» фойдаланишади. Келинг, мулоҳазаларимизни ҳаётий ҳодисалар мисолида давом эттирайлик.***

Jinoyat va jazo

# КЎЗА... КУНИДА СИНАДИ

Суд очерки

Хорижга бориб ишлаб келиш учун Қашқадарёдан йўлга чиққан Фурқат билан шериги бир неча кун Тошкентда қолишди. Айни шу кунлари шаҳарлик Наби Тўлабоев Юнусобод туманидаги уйини сотиш ниятида автобуслар бекати яқинидаги биржани айланиб юриб, Фурқат билан шеригини учратиб қолади. Йигитлар икки кунга уй зарурлигини, кунига ҳар бири 5000 сўмдан беришни айтишади. Наби Тўлабоев уларни Юнусобод даҳасидаги уйига бошлаб боради.

Соддадил Наби «меҳмонлар»га ўзи яшаб турган Шоҳсанам кўчасидаги иккинчи уйининг манзилини ҳам айтиб, хориждан қайтганларидан сўнг кириб ўтишларини, уй яхши жиҳозлангани, видеокамера, видеомагнитофонлари борлигини «гуллаб» қўяди.

Юнусободдаги уйига ижарачиларни жойлаштириб, Шоҳсанам кўчасидаги уйига қайтган Набижон Тўлабоев кечқурун дераза ойнасини кимдир тиқиллатганини эшитиб, кўчага чиқади. Кўчада боягина ўзи уйга жойлаштириб келган ижарачилари туришарди.

— Тинчликми, қандай шамол учирди? — сўради Н.Тўлабоев.

— Паспортимизни милиция ходимлари олиб қўйишди. Уйнинг эгасини топиб келинглар, дейишди, — деди йигитлардан бири.

Бу гапдан сўнг Наби кийингани уйга киради. Шу маҳал унинг ортидан бостириб киришган ижарачи йигитлар уй эгасини дўппослаб кетишади.

Фурқат қўли билан Набининг оғзини бекитиб, уни хонанинг ичкарисига судраб киради ва ўриндиққа ётқизади. Рустам эса унинг юзига ёстиқни бостириб қўяди. Шундан сўнг улар жабрланувчини аёвсиз уриб-тепиб, ҳушидан кетказишади.

Наби Тўлабоев ҳушига келганида унинг уйидаги 1.570.000 сўмлик қимматбаҳо буюмларни Фурқат Ашуров ва Рустам Суяров ўмариб кетишганди...

Мана, яна бир сабоқ бўларли ҳодиса.

Муқаддам бир неча бор судланган Рустам Бобожонов жазони ўтаб чиққан бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб, фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига, қўлини совуқ сувга урмай, бойлик ортириш мақсадида эски «ҳунари»ни давом эттирди. У муқаддам судланган ҳамтовоқлари Дилшод Юнусов ва Зокир Ҳайдаров билан тил бириктириб, Бектемир тумани, «Водник» даҳаси, 75-уйнинг олдидаги чиқинди тўплаш шахобчасига «ташриф» буюришади. Бир қарашда, бу «азаматлар» чиқиндихонадан нимани ўмариши мумкин, деб ҳайрон бўлишингиз тайин. Шахобчада қоровул ўзига ишониб топширилган автомашиналарга ҳам кўз-қулоқ бўлиб турган эди. Босқинчилар ана шу машиналардан бирини мўлжалга олишганди. Улар қоровулга қўққисдан ташланишиб, дуч келган жойига уриб-тепиб, беҳуш қилишади. Кейин шу жойда қўриқланаётган фуқаро Ўктам Азизхўжаевга тегишли «Нексия» русумли автоуловни, унинг ичида ҳайдовчига тегишли шахсий ҳужжатларни эгаллаб, жуфтакни ростлашади. Шу тариқа улар босқинчилик йўли билан эгаллашган автомашинани сотиб, пулини ўз эҳтиёжлари учун ишлатишади, ҳужжатларни эса йўқ қилиб юборишади.

Ўғрига мол қаҳатми, деганларидек, ушбу жиноятчиларнинг қабиҳ ишлари бу билан хотима топмайди. Улар Миробод тумани, Қўйлиқ даҳасида фуқаро Рашид Вильдановга тегишли автомашинанинг, Александр Мамедовга тегишли «ВАЗ-2109» русумли автомашинанинг балонларини ўмариб кетишади.

Кўза кунда эмас, кунида синади, деган гап бор. «Ов»лари бароридан келган ўғриларнинг талончиликларига қонун ҳимоячилари барҳам беришди — жиноятчилар қўлга олиниб, одил суд томонидан тегишли жазони олишди. Бироқ бир нарсага кишининг юраги ачийди: билаклари кучга тўла, тоғни урса талқон қиладиган забардаст йигитлар ҳалол меҳнат қилишга бўйин бермай босқинчилик билан бировларнинг уйини талаб, ўз нафсларини шу пайтгача қабиҳ ҳаракатлар орқали қондириб юришгани ғоят афсусланарли ҳол. Уларнинг шу аҳволга тушиши, қилмишлари бизни бефарқ қолдирмаслиги лозим. Оиламизда, маҳалламизда, қишлоқ ёки шаҳримизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар бир қадами эътиборимизда бўлмоғи, айрим адашган ёшларни ўз вақтида тўғри йўлга солишнинг чорасини кўрмоғимиз керак. Ҳар қайсимизнинг масъуллигимиз, огоҳлигимиз жиноятчиликнинг олдини олишда ҳар доим муҳим омил бўлишини унутмайлик.

**Жамолиддин ТУРСУНОВ, ҳуқуқшунос**


**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-615. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5 6